

А Ж Р И М

(ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2024 йил декабрь ойининг 24 куни жиноят ишлари буйича Дўстлик туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, шу суднинг раиси судья А.Умурзаковнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Худойкуловнинг котиблигида, Дўстлик туман прокурори ёрдамчиси Т.Нумонжонов, маҳкум У.Абдукаримов ва Дўстлик туман ИИБ Пробация гуруҳи катта инспектори М.Халиловларнинг иштирокида, Дўстлик туман ИИБ Пробация гуруҳининг маҳкум Абдукаримов Улуғбек Каршибаевични тайинланган жазонинг ўталмаган қисмидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и м :

Абдукаримов Улуғбек Каршибаевич, 1979 йил 04 февраль куни Жиззах вилояти, Дўстлик туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, тўрт нафар фарзандлари бор, тадбиркор, муқаддам судланган, Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, “Саритепа” МФЙ, Х.Носиров кўчаси 153/1-уйда яшайди.

Жиноят ишлари буйича Мирзачўл туман судининг 2023 йил 28 сентябрдаги ҳукмига кўра, У.Абдукаримовга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 баравари миқдоридан, яъни 55.750.000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари буйича Дўстлик туман судининг 2024 йил 23 январь кунги ажримига кўра, У.Абдукаримовнинг 55.750.000 сўм жарима жазоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 44-моддаларига асосан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 3 (уч) ой 19 (ўн тўққиз) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Судда сўралган Дўстлик туман ИИБ Пробация гуруҳи катта инспектори М.Халилов тақдимномани қўвватлаб, У.Абдукаримов ахлоқан тузалиш йўлига ўтганлигини, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, ишда ўзини яхши томондан кўрсатганлигини, жазони ўташ даврида иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб келганлигини ва ҳозирги кунда қилмишидан пушаймонда эканлигини баён қилди.

Судда сўралган маҳкум У.Абдукаримов содир қилган жиноятидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини, келгусида бошқа жиноят содир этмаслигини, ҳозирги кунга қадар фойдали меҳнат билан шуғулланиб келаётганлигини билдириб, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўради.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддасининг 2-қисмида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумларга нисбатан қўлланилиши, шу модданинг 3-қисми “б” оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатдан ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд юқоридаги қонун талабига кўра, У.Абдукаримовни жазони ўташ даврида бошқа жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаганлигини, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигини ва унинг суд тайинлаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг учдан икки қисмидан кўпроғини ўтаб бўлганлигини инобатга олиб, жазонинг ўталмаган қисмидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 536, 541 ва 542-моддаларига асосланиб, суд ажрим қилади:

А Ж Р И М

Дўстлик туман ИИБ Пробация гуруҳининг маҳкум Абдукаримов Улуғбек Каршибаевични тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисмидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Абдукаримов Улуғбек Каршибаевич 4 (тўрт) ой 27 (йигирма етти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Маҳкум У.Абдукаримовга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “б” банди талабига кўра, мазкур Кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши тушунтирилганлиги қайд қилинсин.

Ажрим ижроси Дўстлик туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳига юклатилсин.

Ажримдан норози тарафларга ажрим эълон қилинган кундан, маҳкумга ажрим нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка муддат ичида, шу суд орқали Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор протест келтиришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи:

А.Умурзаков

